

Бельгия парламенти делегациясининг учрашувлари



????????? ?????????????? ??? ?????? ??????????
????????????? ?????????????????? ?????? ??????? ???????
????????????? ?????????????? ?????????? ?????????? ??????

????? ?????????????????? ?????????? ?????????? ?????? ?????????? ?????? ??????

????????????? ?????????????????? ??? ??????? ?????????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ??????
????????????? ?????????????? ?? ?????????? ?????????????? ???????, ??????-????????????? ?? ?????????????? ??????????????
?????? ?????????????? ?????????????? ?????????? ??????????????????

Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги парламентлараро муносабатлар тобора фаоллашмоқда. Бельгия парламенти вакиллари, "Бельгия – Ўзбекистон" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келаётир.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Бельгияга пахта толаси, газлама, ноорганик кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Бельгиядан мамлакатимизга механик ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, каучук ва резина келтирилади. 1999 йилдан Тошкентда Валлония Экспорт ва хорижий сармоялар бўйича агентлиги (AWEX) ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ғарбий Фландрия Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Мамлакатларимизда кишлоқ хўжалиги, савдо, иқтисодиёт, сармоя, шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган қатор бизнес-форум ва тақдимотлар, ишбилармонлар учрашувлари ўтказилмоқда.

Бельгия парламенти делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-харакатларини юқори баҳолади. Ўзбекистон билан парламентаризм, савдо, иқтисодиёт каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этди.

– Ўзбекистон муҳим стратегик ҳамкорларимиздан, – деди Зигфрид Браке. – Давлатингиз минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда, шу тариқа минтақадаги осойишталик ва фаровонликка улкан ҳисса қўшмоқда. Мамлакатингизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, соҳа тараққиёти учун яратилган имконият ва қулайликлар эътиборга молик. Биз Ўзбекистоннинг "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" стратегияси билан ҳам яхши танишмиз. Мамлакатингизда амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ислохотлар халқингиз фаровонлигининг асосидир. Турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигимизни янада раванқ топтириш ниятидамиз.

Бельгия делегацияси аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари, фракциялари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Олий Мажлиснинг Бельгия Қироллиги парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи раҳбари А.Саидов билан учрашув чоғида икки мамлакат ўртасида парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, савдо-иқтисодий каби қатор соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашувини фаоллаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бельгия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларида ҳам музокаралар ўтказди.

[???](#)